
ҚАНДИНГНИ УР, БАЙРОҚДОР, АЗАМАТ ПАХТАКОР!

Сизнинг қаҳрамонона меҳнатингиз туфайли Фарғонадан ўздик. Яна бир ғайрат қилсак, биринчи ўринга чиқиб оламиз. *Суръатни сира бўшаштирманг. Республика байроғини қўлдан бермайлик!*



Суратларда: (Чапдан ўнгга) 1. Механик-ҳайдовчи Маҳбуба Раҳматова. У ҳар куни 3—4 тоннадан пахта термоқда. 2. 11-бригада даласида машина терими пайти. 3. Илғор механик-ҳайдовчи Каромат Усмонова.

БУНКЕРЛАРДАН ТОННА-ТОННА

Ҳосилдорликни оширишда Янгийўлга машина билан кўп пахта териб олишда оққўрғонликларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш учун курашаётган Ўрта Чирчиқ районининг меҳнаткашлари суръатга-суръат қўшишмоқдалар. «Зангори кема»ларни ишга солиб, уларнинг иш унумдорлигини оширишга асосий эътиборни қаратяптилар. Шу кеча кундузда районнинг қайси колхоз ва совхозига борманг, терим машиналарининг жавлон уриб ишлаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Ҳар бир механик-ҳайдовчи кўп пахта теришга ва зиммага олган социалистик мажбуриятни эртароқ бажаришга ҳаракат қилаяпти. Механизаторларнинг куч-ғайрати зое кетмаяпти. Районнинг процентига процент қўшилмоқда. Эндиликда жуда кўп хўжаликлар кунига 5—6—7 процент ва ундан ҳам кўпроқ пахта топширмоқдалар. Ҳар бир жойда терим пойгасида пешқадамликни эгаллаш учун курашаётган ўнлаб колхозчи, совхоз ишчиларини кўриш мумкин.

Мусобақани кенг кулоч ёйдиришда райондаги Охунбобоев номли колхоз механизаторлари олдиндалар. Механизаторлар 1510 гектар майдондаги ҳосилнинг 70—75 процентини машиналар ёрдами билан теришга аҳд қилганлар. Сўзларининг устидан чиқиш учун курашаётган бу азаматларнинг шу кунлардаги иши ҳаммани қойил қолдирмоқда. Далаларда 35 та «зангори кема» ишлаб турибди. Кема капитанлари кундалик нормаларини ошириб бажараяптилар. Ҳамма куч йиғим-теримга сафарбар этилган.

Кенг пахтазорда «зангори кема» сузиб юрибди. Таништиришди. Турсунбой Аҳмедов. Бу шофер йигит ҳам механизатор Ўртоқларининг сафидан ўрин олиб пахта тераётир. Шоферликни вақтинча тарк этибди. Ўтган йили Турсунбой йиғим-теримда фаол қатнашган. 80 тонна «оқ олтин» териб зиммасига олган социалистик мажбуриятни оширибди бажарибди. Унинг ҳозирги ҳаракати ҳам чакки эмас. Кечалари ой ёруғида пахта тераяпти. Шунинг учун ҳам пахтаси 6—7 тоннадан ошмоқда.

— Мен, — дейди у, — бу кўрсаткичлар билан кифояланиб қолмайман. Яна кўпроқ пахта теришга ҳаракат қиламан. Бунинг учун барча шароитлар бор. Пахтамиз ёппасига, қийғос очилган.

Турсунбой бир неча кун ичида 60 тоннадан ортиқ пахта териб қўйди. Лекин колхозда ундан ҳам кўп пахта тераётган механик-ҳайдовчилар бор. Абутолиб Гулматов суръатни яна тезлаштирди. Уч кун ичида Турсунбойга етиб олиб, тўртинчи куни ундан ҳам ўзиб кетди. Ҳисобчилар икки механик-ҳайдовчининг прицепларга ортилган пахтасини тарозига қўйиб тортишди. Абутолибнинг терган пахтаси колхоздаги ҳамма механизаторникидан кўп эди. Ўн тонна-ю 600 килограмм.

Машинада терилган ҳар бир тонна пахтага 6 сўмдан пул тўланмоқда. Механизаторларнинг моддий манфаатдорлиги оширилиши сабабли мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Кейинги ҳафтада Абутолиб Эргаш Ҳолбўтаев, Кўкин Бекинов, Мажит Оқбоев, Маҳкам Туробқулов каби механик-ҳайдовчилардан ҳам ўзиб кетди.

Машина терими қўл келди. Сифатли дефолиация қилинган майдонларда дастлабки теримдаёқ 22—23 центнердан хирмон кўтарилмоқда. Тарозибосар «оқ олтин» карвонлари тўхтовсиз тайёрлов пунктларига жўнатилиб турибди. Колхоз кунига йиллик планнинг 5,5—6 процентини миқдорида пахта топширяпти. Жуда кўп бригада ва звеолар маррага етай деб қолди. Пахтакорлар давлат планини 8 октябрдан кечикмай бажариш учун ҳаракат қилишаяпти.

— Терим машиналари, — дейди колхознинг бош инженери Тян Палада, — деҳқонларнинг энг оғир қўл меҳнатини енгил қиладиган ҳақиқий дўст бўлди, энди буни ҳамма ўз кўзи билан кўриб турибди. Шуни ҳисобга олиб биз механизаторлар агрегатларнинг сабабсиз тўхтаб қолишига йўл қўймаймиз. Бузилиб қолган машиналар ўша ернинг ўзида дарҳол ремонт қилинмоқда. Бизда терим агрегатларининг иш унумдорлиги ўтган йилдагига нисбатан қарийб 1,5 марта кўпайди. Юбилей вахтасида туриб меҳнат қилаётган «зангори кема» капитанлари ўзларига юклатилган вазифани сидқидилдан бажармоқдалар.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЛ ЧИҚИШИ

№ 189 (3671).

23 СЕНТЯБРЬ ШАНБА

1967 ИЛ

Баҳоси 2 тийин.

РЕСПУБЛИКА БАЙРОҒИ ОБЛАСТИМИЗДА

Кеча Тошкент область партия комитетида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ё. С. Насриддинова область вакилларига Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини топширди. Байроқ пахта терими ва уни давлатга сотиш юзасидан республика областлари ўртасида олиб борилаётган социалистик мусобақада сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида эришилган муваффақиятлар учун берилган эди.

Область партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ М. А. Абдураззоқов Қизил байроқни қабул қилиб олар экан, пахтакорлар меҳнатига берилган юксак баҳо учун республика партия ва ҳукуматига миннатдорчилик билдирди.

ТЕРИМЧИЛАР РАЙРАТИ

— Бугун ҳам кечагича бўладими, Ўртоқжон? — сўради Зулфия нарироқда пахта тераётган Инобатдан.

— Бир маррада туриб олиш яхши эмас, — деди Инобат, — кеча 100 бўлган эди, бугун лоақал 120 га етказмоқчиман.

Икки дугона эгат оша бир-бирларига жилмайиб қўйишди-да, яна ишга киришиб кетишди.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг Турғунбой Утенов бошлиқ бригада аъзолари юбилей йилида 50 гектар майдонда «оқ олтин» етиштиришди. Бригада пахтакорларининг аълари юксак.

С. МИРЗАЛИЕВ.

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Кеча меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг XI чақириқ III сессияси бўлиб ўтди.

Депутатлар область ижроия комитети раисининг ўринбосари Қ. А. Аҳмедовнинг «Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бўйича олинган социалистик мажбуриятни бажаришнинг бориши ва областда жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш тадбирлари» ҳақидаги ва область Совети чорвачилик бўйича доимий комиссияси раиси М. Қ. Қодировнинг қўшимча докладларини эшитиб, муҳокама қилдилар.

Сессия область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Г. Г. Светлейконинг область Совети иккинчи сессиясида депутатлар томонидан билдирилган танқидий фикр ва таклифларнинг бажарилиши ҳақидаги ахборотини эшитди.

Сессия муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Область Совети сессияси Анна Ивановна Бродовани бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилди. Область ижроия комитети раисининг ўринбосари қилиб депутат Сайёра Асатовна Раҳматхўжаева сайланди.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ўртоқ Ё. С. Насриддинова қатнашди.

(Сессия ҳақидаги ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида ёритилади).

ИЛҒОР ЛУБКОРЛАР

Область партия комитети ва область ижроия комитети 1967 йил сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида каноп йиғиштириб олиш ва давлатга луб сотиш юзасидан хўжаликлар ўртасида бошланган социалистик мусобақанинг якунларини кўриб чиқиб қарор қилди.

Область партия комитети, область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Юқори Чирчиқ районидаги «ПОЛИТОТДЕЛ» колхозига (раиси М. ХВАН, партия ташкилотининг секретари В. ПАК, бош агрономи А. ПАК) берилди. Бу колхоз луб тайёрлаш планини 103,8 процент бажариб, сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида 26,1 процент ўсишга эришган, шунингдек давлатга 27 минг тонна юқори сифатли каноп пояси сотган. Колхоз аъзолари яна плайдан ташқари 7 минг тоннадан ортиқ луб пояси сотиш юзасидан мажбурият олганлар.

Шунингдек Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк», Оққўрғон районидаги «Победа», Киров номли ва Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» ҳамда Свердлов номли колхозларининг давлатга каноп пояси етказиб бериш ва ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш соҳасида яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

УЧ ХУШХАБАР

Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзолари давлатга 21796 тонна юқори сифатли каноп пояси сотиб кувончли натижага эришдилар. Колхозчилар қолган ҳосилни тез фурсатда йиғиштириб олиш ва давлатга планидан ташқари 4 минг тонна каноп сотишга қарор қилдилар.

Оққўрғон районидаги Киров номли колхоз аъзолари каноп ҳосилини йиғиштириб олишга зўр тайёргарлик билан киришган эдилар. Шунинг учун ҳам улар бу соҳада район хўжаликлари ичида олдинги сафда бордилар. Куни-кеча колхоз аъзолари планни ошириб бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Улар мажбурият ҳисобига яна минг тонна юқори сифатли каноп пояси топширишга аҳд қилдилар. Шу райондаги «Победа» колхози лубкорлари эришган муваффақият ҳам қувончлидир. Бу колхоздан давлат омборларига 5642 тонна каноп пояси юборилди. Колхозчилар яна 1500 тонна каноп пояси сотиш мажбуриятини олдилар.

Юбилей йили — ОҚ ОЛТИНИ

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 22 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Райовлар	Машина терими			
	бир кунда	мавсум бошидан бери	бир кунда	мавсум бошидан бери
Янгийўл	4,51	45,97	5,59	44,01
Оққўрғон	6,07	37,22	7,33	43,74
Юқори Чирчиқ	5,01	34,92	5,63	41,88
Бўка	4,79	32,45	6,35	39,41
Ўрта Чирчиқ	4,43	31,99	6,34	40,56
Оржоникидзе	2,62	30,04	2,64	11,73
Бекобод	2,28	18,96	2,87	17,14
Область бўйича:	4,57	34,19	5,96	38,30

ХУШ КЕЛИБСИЗ

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ МИНИСТРИ СУЛАЙМОН ДЕМИРЕЛЬ БУГУН ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ

Совет ҳукуматининг таклифига биноан Туркия Республикасининг Бош Министри Сулаймон Демирель ўз рафиқаси билан 18 сентябрда расмий визит билан Москвага келди.

С. Демирель 1924 йилда Испарта шаҳрида туғилди. 1949 йилда у Стамбул техника университетининг қурилиш факультетини тамомлаб, мелиорация, гидроэлектростанциялар қурилиши ва суғориш иншоотлари соҳаси бўйича мутахассисликни эгаллади.

У 1954 йилдан 1960 йилгача Туркия давлат сув хўжалиги бошқармасининг бош директори бўлиб ишлади. 1961 йилда адолат партиясига кирди ва сиёсий фаолияти бошланди. 1964 йилнинг охирида С. Демирель шу партиянинг бош раиси этиб сайланди. 1965 йилнинг октябрида бўлиб ўтган парламент сайловларида адолат партияси кўпчилик овоз олди, ва С. Демирель ягона партияли ҳукуматнинг бош министри бўлди.




С. Демирель Совет Иттифоки ва Туркия ўртасидаги дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларни ривожлантириш, чунончи, бизнинг қўшни мамлакатларимиз ўртасида ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш зарурлигини бир неча бор таъкидлаган.

Совет кишилари Туркия Республикаси Бош министрининг Совет Иттифоқига қилган визитини табриклайдилар ва бу визит СССР билан Туркия ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга янги ҳисса бўлиб қўшилишига умид билдирадилар.

Туркия бош министри С. Демирель бугун Ўзбекистонга ташриф буюради.





Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозида луб зичларидан йил сайин мўл ҳосил олинмоқда. Суратларда (чапдан ўнгга): Бригада бошлиғи Чен Чир Сен. Уруғлик канопини қуритиш пайти. А. Абалян фотолари.

ЭРТАГА МАШИНАСОЗЛАР КУНИ

ИЖОДКОРЛАР

Машинасоз! Бу сўзнинг оламолам мазмуни, маъноси бор. Шундай қутлуғ касб эгаларининг меҳнати жуда ҳам шарафлидир. Уларни халқимиз ҳақли равишда мўъжизакорлар деб аташади. Амалда ҳам шундай. Машинасозларнинг изланиши, ақл заковати, машаққатли, масъулиятли, айни вақтда муқаддас меҳнати, қадоқ қўллари билан таърифини ўринга қўйиш қийин бўлган мўъжизалар яратилмоқдаки, уларга ақлинг бовар қилмайди. Оддий уй-рўзғор асбобларидан тортиб, коннот сирларини ўрганишга ёрдам бераётган йўлдошлар, сайёраларга парвоз қилаётган автоматик станциялар, инсонни ўз бағрига олиб, фалакда парвоз этаётган космик кемалар машинасозларимиз олимлар билан ҳамкорликда тинмай олиб бораётган ижодий изланишининг буюк самараларидир.

Машинасозларимиз мамлакатимизда кишиликнинг асрлар давомидаги орзу-умиди — коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш юзасидан кенг кўламда олиб борилаётган умумхалқ курашида фаол иштирок этмоқдалар. Бу курашнинг олдинги сафида бормоқдалар. Улар қўлидан чиқаётган турли-туман асбоб-ускуналар, агрегатлар бутун халқ хўжалиги техника қудратини оширишга, техника прогрессини юксалтиришга беқиёс ёрдам бермоқда. Барча муваффақиятларининг асоси, янги коммунистик жамият ғалабасининг негизи ҳисобланган меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, меҳнатнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Бу билан эса, она-Ватанимиз экономикасининг тез суръатлар билан юксалиши, халқимиз моддий фаровонлигининг ошишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Бизда машинасозлар меҳнати жуда қадрланмоқда. Уларнинг самарадор ижодий ишига юксак баҳо бериляпти. Бу касб эгалари ҳамма жойда ғамхўрлик билан қуршаб олинган, уларнинг иззат-икроми, обрўси ўрнига қўйилмоқда. Меҳнатларидан келаётган моддий манфаатдорлик ҳар томонлама ошяпти. Ленин васиятларига оғишмай амал қилаётган Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакатни индустрлаштириш юзасидан олиб борилаётган ишларда саноатнинг бу етакчи тармоғини тез суръатлар билан ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Айни вақтда машинасозларнинг турмушини яхшилаш, фаровонлигини ошириш, меҳнатини енгиллаштириш ҳақида муттасил ғамхўрлик қилмоқдалар. Мамлакатимиз машинасозлигини тараққий эттириш юзасидан жуда кўп тадбирлар белгиланмоқда ва улар зудлик билан амалга оширилмоқда. Шу туфайли ҳам саноатимизнинг бу соҳаси жадал юксаляпти, мамлакатимизнинг турли районларида машина-механизмлар ишлаб чиқарадиган йирик-йирик саноат корхоналари, машинасозлик марказлари барпо этилмоқда.

Эндиликда Совет Иттифоқи жаҳоннинг энг йирик машинасозлик давлатига айланди. У машинасозлик маҳсулотларни ишлаб чиқариш жиҳатидан Европада биринчи, жаҳонда иккинчи ўринда турибди. Ҳозир бизда ҳар йили 125 минг хил машина, механизм ва ускуналар тайёрланмоқда. Ҳозир мамлакатимизда машинасозлик ва металл ишлаш саноатининг маҳсулоти 1913 йилга қараганда 538 баравар кўпайди. Асбоб-ускуналарнинг қатор муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб турибмиз.

Чор Россиясининг энг қолоқ ўлкаси ҳисобланган республикамизда ҳам машинасозлик мисли кўрилмаган даражада юксалди. Бундан 50 йил муқаддам ҳатто кетмон ҳам чет эллардан сотиб олинарди бу ерда. Ҳозир Ўзбекистон, унинг таркибий қисми бўлган областимиз машинасозлик корхоналарида тайёрланаётган турли-туман асбоб-ускуналарни санаб саноғига етолмайсан, киши. Машинасозларимиз замонавий фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиб, агрегатларнинг янги-янги хилларини яратмоқдалар. Эндиликда Тошкент области мамлакатимиз машинасозлик саноатининг йирик марказларидан бири бўлиб қолди. Бу ерда тайёрланаётган ўнлаб хил турли машиналарга халқаро бозорда талаб тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда дунёнинг кўпдан-кўп мамлакатларн биздан асбоб-ускуналар харид қилаяпти.

Областимизда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ўнлаб машинасозлик корхоналари бир меёрда деганинг турибди. Уларнинг аксарияти халқимизнинг нефтихори, фахри ҳисобланади. «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш», «Узбекхимаш» «Ташавтомаш», Ўзбекистон трактор-йигув, трансформатор заводлари шулар жумласидандир. Бу корхоналар маркаси билан чиқарилаётган тўқимачилик машиналари, энергетика, химия асбоб-ускуналари, экскаваторлар, пахта териш агрегатлари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари, компрессорлар ва бошқа маҳсулотлар мамлакатимиздан ташқари қатор чет эл давлатлари томонидан сотиб олинмоқда. Бундай давлатлар орасида капиталистик дунёнинг энг ривожланган ўнга яқин давлати бор.

Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи коллективининг пахтачилик машиналари давлат махсус конструкторлик бюроси билан ҳамкорлигида ғоят серунум «ХТ-1,2» пахта териш машинаси ишлаб чиқарила бошланди. Бу агрегат ҳақли равишда машинасозларимизнинг фахри ҳисобланади. Уни ишлаб чиқариш ва ўзлаштиришда иштирок этган қатор инженер-техник ходимлар ва ишлаб чиқариш илғорларининг бир группаси Ленин мукофотига сазовор бўлди. «Таштекстильмаш» заводи коллективи яратган ПК-100 маркали ип йигириш, пишитиш машинаси бутун дунёда шуҳрат қозонди. Уни ҳатто тўқимачилик машинасозлиги беқиёс ривожланган Англия, Япония, Франция сингари давлатлар сотиб олмоқда.

Машинасозларимиз республика қишлоқ хўжалигини, айниқса, мамлакатимиз пахтачилигини юксалтиришга жуда каттә ҳисса қўшмоқдалар. Ўнлаб коллективлар пахтачиликни комплекс механизациялаш юзасидан белгиланган улуғвор вазифаларни тезроқ ҳал қилишга интилмоқдалар. Бу мақсад йўлида машиналар ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқдалар, серунум агрегатлар тайёрлашни йўлга қўймоқдалар. Шу йилнинг бошидан бери қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига пландагидан ташқари ўнлаб тракторлар ва пахта териш машиналари, прицеплар ва культиваторлар, сеялкалар, бороналар ва бошқа машина-механизмлар етказиб берилди.


Эртага мўъжизакор машинасозларимиз ўзлари шарафига таъсис этилган байрамларини иккинчи бор нишонлайдилар. Бепоён мамлакатимиз бўйлаб бу айём шодиёналари қанот қоқади. Уни бутун халқимиз зўр қувонч билан нишонлайди. Чунки мамлакатда бирор киши йўққи, у машинасоз меҳнатидан баҳраманд бўлмаётган бўлсин. Шуни зўр хурсандчилик билан қайд қилиш керакки, бу касб эгаларн ўз байрамларини каттакатта меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар. Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини муносиб нишонлаш мақсади билан ишлаётган машинасоз коллективларнинг аксарияти давлат планларини, зиммага олинган мажбуриятларни муваффақиятли адо этмоқдалар.

Областимиз машинасозлик саноати бундан буён ҳам тез суръатлар билан юксалиб боради. Халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун керак бўлган юзлаб янги хил асбоб-ускуналар, жумладан тўқимачилик, энергетика, химия, қишлоқ хўжалик агрегатлари, уй-рўзғор асбоблари яратилади ва уларни кўплаб тайёрлаш йўлга қўйилади. Айни вақтда тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини жаҳон стандартлари даражасига етказиш борасида жуда кўп тадбир ва чоралар кўрилади. Бунга эришиш учун машинасозларимиз тинмай изланиш олиб боришлари, мавжуд резервларни ишга солишлари, ишлаб чиқариш маданиятини муттасил оширишлари даркор. Айниқса, технология жараёнларини автоматлаш ва механизациялашга катта эътибор бериш зарур.

Мўъжизакор машинасозларимизни бугунги байрам билан қизғин муборакбод қилар эканмиз, уларнинг олижаноб меҳнатларида, Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини улкан тортиқлар билан кутиб олиш мақсадидаги хайрли ишларида катта-катта муваффақиятлар тилаймиз.

М. МИРҲАМИДОВ.





ТОШКЕНТ экскаватор заводи коллективи маҳсулотига жаҳон бозорида талаб йилдан-йилга ортмоқда. Бу ерда тайёрланаётган агрегатларни барча социалистик давлатлар, шунингдек Бирлашган Араб Республикаси, Туркия, Гвинея, Мали ва бошқа мамлакатлар харид қилмоқда. Яқинда корхона конвейеридан ўн мингинчи экскаватор тушди. Юбилей йилида 1070 машинани қўлдан чиқаришга аҳд қилган машинасозлар ўз байрамларига катта совға тайёрладилар. Суратларда: аниқ куйиш цехининг старший технологи Пўлат Алимов (юқорида). У актив рационализатор ҳисобланади, 11 та таклиф авторидир. Корхона йигув цехи участкасини кўриб турибсиз (пастда).

М. Ключнев фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЁШ БИНОКОРЛАР ОТРЯДИ

«Главташкентстрой» ҳузурида ёш бинокорлар тайёрлаш курси муваффақиятли ишлаб турибди. Қисқа вақт ичида курсни 1280 йигит-қиз битириб чиқди. Улар бу ердан бўёқчилик, сувоқчилик, ғишт терувчилик ва дурадгорлик касбларини эгаллаб чиқишди.

Бундай ёшлар орасида ҳозир 159-қурилиш трестида баракали меҳнат қилаётганлар кўп. Х. Одилов, Х. Аҳмедов, Н. Медведев каби ёш бинокорлар шулар жумласидандир. Ҳозир ҳаваскор бинокорлар группаси турли ҳунарларни эгаллаш йўлида ҳам назарий, ҳам амалий машғулотлар олиб боришаяпти. Уларнинг келгусида моҳир бинокорлар бўлиб етишишлари учун катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

ЭЛГА МАНЗУР

Йўлдош Бойзоқов раҳбарлик қилаётган комплекс бригада қурувчилари пойтахтимизнинг Шота Руставели кўчасида 9 қаватли янги юбилей объектига пойдевор қўя бошладилар. Улар бундан ташқари Тошкент тўқимачилик бош корпуси учун ҳам янги бино қуриб беришади. Бинокорлар ҳар икки объектни узоғи билан бир йил ичида қуриб, фойдаланишга топширишни мўлжаллашмоқда.

Улар мавжуд объектларни элга манзур қилиш учун сифатли иш олиб боришмоқда. В. Волков, З. Хайриддинов сингари ўртоқлар 5-трестга қарашли 3-қурилиш бошқармасининг бу бригадаси аъзолари ўртасида пешқадамлик қилмоқдалар.

Р. АЪЗАМХЎЖАЕВ.

ЧИННИ КЎЗАЛАР

Гўзал чойнак ва пиёлаларда тўйиб-тўйиб чой ичсангиз қандай яхши. Пойтахтимиздаги чинни заводининг маҳсулоти ҳам бутун мамлакатимизга машҳур ва мақбул бўлаяпти. Улар ишлаб чиқараётган лаган, чойнак ва пиёлалар жуда сифатли ва бежиримдир.

Завод коллективи Октябрнинг 50 йиллик юбилейига атаб янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштираётир. Заводнинг бош рассоми Ботир Собиров бошчилигидаги бир группа меҳнатсеварлар янги-янги расмларни чинни идишларга солишда яхши ташаббус кўрсатаётир. Коллектив яқинда Шарқ кўзаси шаклидаги бир неча кўзаларни ишлаб чиқаришга киришди. Бу сервиз шаклида бўлиб қадимги ўзбек кўзасини ҳам эслатади. Ундан ташқари кружка шаклидаги кўзачалар ҳам тайёрланаётир. Бу кўзачалар чой ҳамда кофе ичишга мўлжалланган. Завод коллективи юбилейга атаб янги хил пиёла, чойнак, лаган ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштираяпти.

М. ЗАРИПОВ.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН

ҲИССА

Ихтирочи! Эндиликда бу ном ғайратли жараңглайдиган бўлиб қолди. Ватан бойлигини кўпайтириш йўлида, мўл-кўл маҳсулот ишлаб чиқариш учун фидокорона меҳнат қилаётган, кунтун изланаётган ихтирочи ва рационализаторлар ҳар бир корхонанинг фахри, ғурури саналади. Бизда ҳам бу юксак номга сазовор ишчилар кўп. Улар ишлаб чиқаришнинг пешқадамлари бўлибгина қолмай, техника прогресси ҳақида қайғирувчи, ўз қимматли фикр ва таклифлари билан ишлаб чиқаришни юксалтиришга ҳисса қўшаётган кишилардир.

Корхонамизда юбилей олди социалистик мусобақасига қўшилган ишчиларимиз оғир ишларни механизациялаш, қора ва рангли металларни тежаш, электр энергияси, ёқилғи ва бошқа материалларни иқтисод қилиш ва маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида изланмоқдалар. Қисқа вақт ичида ишчилар томонидан 145 таклиф тушди. Бу корхонамизга 127 минг сўм маблағни тежаб қолиш имконини берди. Бу бултургидан анча кўпдир. Рационализаторларимиз ҳозиргача 112 тоннадан ортиқ қора металл, 304 минг киловатт соат электр энергиясини тежаб қолдилар.

Ихтирочиларимиз диққати асосан қимматбаҳо деталлардан фойдаланиш муддатини узайтиришга қаратилмоқда. Инженер Т. Саакянц киритган таклиф айниқса диққатга сазовор. У «2Д100» дизелининг тирсакли валидан фойдаланишнинг янгича усулини таклиф этди. Илғорилари тепловоз ремонт қилинаётганда дарз кетган бундай тирсакли валлар ташлаб юборилар эди. Инженер таклифи асосида улардан қайта фойдаланиладиган бўлди. Натижада саккиз ой ичида биргина шу таклиф 10 минг сўм маблағни иқтисод қилиш имконини берди.

1-механика цехи токари, мусобақа пешқадами М. Сергеев Октябрь юбилейига фақат мўл маҳсулот ишлаб чиқариш билангина эмас, балки ўзининг қимматбаҳо таклифлари билан ҳам армуғон тайёрламоқда. У регуляторнинг эски пружиналарини қайта тиклаш йўли билан заводга йилига 2200 сўм фойда келтирадиган таклиф киритди.

Ихтирочилар сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Шулардан бири слесарь А. Архипкийдир. У мастер В. Скобцов билан ҳамкорликда тортувчи двигатель ўқини янги технологик восита билан қайта ишлаб, меҳнат унумдорлигини икки ҳисса оширишга эришди. Бу таклифнинг амалга ошиши натижасида йилига 3993 сўм маблағ иқтисод қилиб қолинаётир. Бундан қаторида пўлат эритиш цехи бошлиғи П. Костин, слесарлар К. Абдураҳмонов, А. Слепак, мастерлар М. Латипов ва Я. Китайгородский сингари ихтирочиларнинг изланишлари ҳам кўплаб маблағни тежаш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини оширишга катта ҳисса қўшаяпти. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қисқаси, корхонамиз ихтирочилари юбилейга ёруғ юз ва катта меҳнат совғаларн билан боришга интилмоқдалар. Уларнинг бу борада амалга ошираётган ишлари гез-тез муҳокама қилиб турилибди. Яқинда завод бош инженерининг юбилей йилида рационализаторлар олдида доклади тингланди. Ихтирочилар янгидан-янги таклифларни баён этдилар. Мақсад — корхона олдида турган йиллик топшириқни муваффақиятли бажаришга имкон борича кўпроқ ҳисса қўшишдир. Ихтирочиларимизнинг куч-ғайратлари, изланиш ва режалари ана шунга қаратилган.

И. КАЗАКОВ,
Октябрь революцияси номли завод ихтирочи ва рационализаторлар бюросининг инженери.

ОБОДОНЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

7-трест энг ёш ташкилотлардан. Бир йилдан ортиқроқ муддат ичида трест коллективи анчагина ибратли ишларни амалга оширди. Зилзиладан зарарланган тошкентликларнинг уй-жойларини, кўплаб маданий-маиший биноларни қайта тиклашда уларнинг хизмати катта бўлди. Зилзиладан қисман зарарланган неча ўнлаб уйлар сифатли ремонт қилиб берилди. Эндиликда ҳамшаҳарларимиз бу уйларда бехавотир истиқомат қилмоқдалар. Шаҳримизнинг Куйбишев районида кўплаб болалар боғчалари, мактаб, шифохоналар трест ишчиларининг жонбозликлари туфайли қисқа даврда сифатли қўлдан чиқарилди.

Зилзиладан кейин янги Тошкентни бунёд этиш, шаҳарни ободонлаштириш иши муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Коллектив бу борада ҳам самарали иш олиб бормоқда. Территорияларни чиқиндилардан тозалаш, қайтиш бинокорларнинг тез суръатлар билан иш олиб боришлари учун майдонлар ҳозирлашда ўлар зўр ғайрат-шижоат кўрсатдилар. Бу майдонларда москвалик, украиналик, ленинградликлар айниқса унумли меҳнат қилмоқдалар. Ц-1, Ц-5, Ц-7 ва Ц-13 кварталларида янги тураржой бинолари қуриш ишлари жадал бормоқда.

Трест шу йилнинг 1 июлидан бошлаб махсус ихтисослаштирилган ташкилотга айланди. Шунга кўра эндиликда у асосан 3, 5, 9 ва 10-қурилиш трестларига хизмат кўрсатмоқда. Яъни улар мавжуд трест бинокорларн қураётган объектлар атрофини ободонлаштириш билан шуғулланишмоқда. Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига меҳнатсеварлар кўнгилдагидек натижаларга эришиш учун курашмоқдалар. Дастлабки саккиз ой мобайнида улар белгиланган 7 миллион 14 минг сўмлик ўрнига 7 миллион 815 минг сўмлик миқдорида умумий иш бажаришди. Айниқса И. Тагиев раҳбарлик қилаётган 39 В. Орлов раҳбарлигидаги 40-қурилиш бошқармаларининг ишчилари юқори меҳнат унумдорлигига эришмоқдалар. Бу ўринда мастер Т. Умархўжаев, К. Келбуллбоев ва С. Терентьев бошқараётган бригадалар аъзоларининг ташаббускорликларини айтиб ўтиш керак. Улар ойлик планларни муntазам 160—170 процентдан адо этмоқдалар. Шунингдек А. Царев бошлиқ қурилиш участкаси, А. Раҳматовнинг комсомол ёшлар бригадаси, Д. Йўлдошев етанчилигидаги ғишт терувчилар бригадаси аъзолари ҳам кўпчиликка ўрнак бўлмоқдалар.

Шу долзарб кунларда 2-қурилиш бошқармаси коллективи кўрсатаётган жонбозлик ҳам диққатга сазовордир. О. Вечорин участкаси аъзолари Рисовая массивидаги улкан мактаб биноси атрофини ободонлаштириш ишларини тамомлай деб қолдилар. Трест ишчиларидан катта бир группаси Луначарское шоссесида қад кўтарган 171-мактаб биноси территориясига водопровод, канализация тармоқлари ўтказиш, тротуар тайёрлаш ва бошқа ишларни ниҳоясига етказишмоқда.

Шота Руставели кўчасидаги «Модалар уйи» юбилей объектларидан биридир. Кўркам бино теварагини гўзаллаштириш ишига В. Саакян коллективи катта ҳисса қўшаяпти. Бундан ташқари 10 минг тонна мева ва сабзавот маҳсулотлари сақлашга мўлжалланган музхона биносининг атрофини ободонлаштириш ишида ҳам трест азаматлари қизғин ташаббус кўрсатмоқдалар. Булар қаторида 1-ийсозлик комбинатига қарашли «Камю» қурилиши ва «Ўзбексельмаш» заводининг янги ишлаб чиқариш цехлари объектларини ободонлаштиришда 2- ва 3-қурилиш бошқармалари ишчи-хизматчилари астойдил енг шимариб меҳнат қилмоқдалар. Коллективлар ўз зиммасига олган вазифаларни Октябрь байрамидан бир ой олдин сифатли тамомлашга аҳд қилишган. Уларнинг шаҳримиз жамолини янада очиш, пойтахтимизни кўркам ва обод қилиш йўлида янада жонбозлик кўрсатиб ишлашларига ишончимиз комил, албатта.

М. ТУРОБОВ.

ЖАМОАТЧИЛИК БУРЧИ

Коммунистик ахлоқ нормаларига содиқ кишини тарбиялаш, меҳнатда, оилада, дўстлар сафида ҳар жиҳатдан ўрнак бўла оладиган янги кишини вояга етказиш Коммунистик қурилишнинг асосий вазифасидир. Шундагина коммунизм моддий-техника базаси тез бунёд этилади ва меҳнат натижаси салмоқли, баракали бўлади.

Районимиз маъмурий органлари кенг жамоатчилик, корхона коллективлари ва халқ дружиналарининг актив аъзоларига таянган ҳолда ана шу муҳим ва ҳаётий масалага ижодий ёндошмоқда. Айниқса, кам бўлса ҳам ахён-ахёнда учраб турадиган жиноятчиларга, безориларга қарши катъий кураш олиб бориш билан бирга ёшлар орасида жиноятга йўл кўймаслик, фойдали меҳнатга тортиш йўлида бирмунча тадбирларни кўришди. Районимиз суд, милиция органлари кенг жамоатчи активларга суяниб корхоналарда, маҳаллаларда, қурилиш участкаларида тез-тез аҳолоқ ва одобга доир доклад ва суҳбатлар ўтказиб туришибди. Ўтказганда ҳам улар ана шу маҳалла ёки корхона ҳаётидан олинган мисоллар билан қизиқарли ва жонли қилиб ўтказишмоқда. Бу ўз ўрнида суҳбат ёки докладларнинг таъсирчанлигини оширмоқда. Энг муҳими, улар каттами, кичикми, ҳар бир жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, бундай кўнгилсиз ҳодисаларга йўл қўймаслик учун келгусида нималарга эътибор бериш кераклигини тушунтириб беришмоқда.

Бундан ташқари район халқ маслаҳатчилари ўртоқлик судларининг тез-тез йиғилиш семинарларн ҳам ўтиб турибди. Бу семинарда улар ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб боришади, галдаги вазифаларини белгилаб олишади. Ижроия комитет эса ўз фаолиятини ана шу маъмурий органлар иши билан узвий боғлаб доимо контроль қилиб боради. Район ижроия комитети ўзининг навбатдаги йиғилишларидан бирида социалистик қонунчиликка риоя қилиш доимий комиссиясининг ҳисоботини эшитди. Ундан кейинги йиғилишида эса қамоқ муддатини ўтаб келган гражданларни ишга жойлаштириш масаласини кўриб чиқди ва тегишли қарор қабул қилди. Ижроия комитет қарор ижроси устидан ҳам контроллик олиб бормоқда. Қарорларнинг ижроси учун курашда депутатлар фаолиятини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Натижа ёмон бўлаётгани йўқ. Ижроия комитет аъзолари ва депутатлар айниқса ўсмирлар ўртасида жиноятнинг олдини олиш, уларни жамоат фойдали ишига жалб этиш, ўқишга жойлаштириш кабилар билан яқиндан шуғулланишмоқда. Жумладан, социалистик қонунчиликни сақлаш доимий комиссияси аъзоларининг ташаббуси билан жойларда жамоат тартибини бузувчи ёки безорилик шилқимларга қарши кураш юзасидан бир қанча рейдлар уюштирилди. Бунинг натижасида эндигина эгри йўлга кириб келаётган ёшлар жамоатчиликнинг таъсири, дўстларининг танбеҳи билан тўғри йўлни танлаб олишди.

Шу йил апрель ойида район Совети депутатларидан иборат кузатув комиссияси тузилди. Бу кузатув комиссиясининг иш фаолияти, илгари судланиб эндиликда жамоат фойдали иши билан шуғулланиб келаётган кишилар хаётида ижобий таъсир кўрсатмоқда. Комиссия аъзолари улар ўртасида таълим-тарбия ишларининг қандай йўлга қўйилганлиги, уларнинг меҳнатга бўлган муносабатларидан доимо кўз-қулоқ бўлиб туришибди. Зарур топилганда улар орасида аҳлоқ-одоб, инсоний лик ҳақида суҳбатлар уюштириб туришади.

Бу соҳада район маданият бўлими ходимларининг ишини ҳам алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Улар айниқса ёшлар орасида безорилик, ичкиликбозлик, ўзгалар ҳисобига кун кўрадиган енгилтаклик оқибати нималарга олиб келиши ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб боришаяпти. Район маданият уйи ва кутубхона ходимларининг ташаббуси билан худди ана шу темада 28 та лекция, 74 суҳбат уюштирилди. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, меҳнатда обрў топган илғорлар, шунингдек фан-техника арбоблари билан бир қатор учрашувлар ўтказилди. Шунингдек жойларда саккизта тематик кечабўлиб ўтди. Чунончи «Мақсадимиз коммунизм». «Коммунизмни ўзимиз қурамиз». «Ўзбекистон — Шарқнинг машъали». «Бизнинг кучимиз — дўстликда» каби темаларда ўтказилган кечалар жуда қизиқарли бўлди. Ёшлар тарбияси, ахлоқи ва одоби билан боғлиқ бу тарбиявий кечаларни, учрашувларни ташкил этишда суд экспертиза, халқ хўжалиги, чет тиллар институтларининг ўқитувчи ва олимларининг ёрдами катта бўлди. Бу тадбирлар ижобий натижалар берди. Натижада районимизда текинхўр, ҳаётга енгил-елпи қаровчилар, ичкиликбозлар камайди.

Лекин бундан районда жиноятчилик мутлақо тугатилди, безори, ичкиликбоз шахслар йўқ деган хулоса келиб чиқмайди. Тўғри, районимиз аҳолиси ва территорияси жиҳатидан Тошкентнинг энг йирик районларидан ҳисобланади. Аммо Ўчоқларининг танқислиги айниқса ёшларимизнинг кўчаларда сангиб, вақтларини ичкилик билан «хуш» ўтказиш, жамоат тартибларини бузиш ҳолларига сабаб бўлаяпти десак янглишмаймиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим маҳалла комиссиялари ва унинг активлари ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни яхши олиб боришяпти деб бўлмайди. Улар ободончилик ишлари билан шуғулланишади-ю, лекин энг ҳаётий масала тарбия — одоб масаласини эсларидан чиқариб қўйишади. Биз юқорида айтиб ўтганимиздек айрим маҳаллаларда, жамоат жойларида шундай ҳоллар ҳам учрайдики, ўз дўст, ёр-биродарларининг ножўя хатти-ҳаракатларини кунда кўриб-сезиб турсалар ҳам фақат уни орқаворотдан гапирибгина қўяқоладилар. Ана ўша ичкиликка берилган ёки ахлоқи-одоби билан кишилар асабини бузувчиларни чақириб панд-насиҳат қилиш, уларни одобга чақиришга, кўпчилик таъсирини ўтказишга ботинишмайди. Бу мутлақо нотўғри албатта. Биз бу билан уни тарбиялаш эмас, балки бундай кўнгилчанглик ёки эътиборсизлик билан катта жиноятларнинг келиб чиқишига сабабчи бўламиз.

Қоратош, Ўқчи, «5-Декабрь», Зарафшон, Бируний, Чақар маҳалла комитетларининг иш услубида ана шундай камчиликлар мавжуд.

Майда безорилик қилиб, жазо муддатини ўтаётган кишиларга, айрим идора, ташкилот раҳбарлари томонидан ёнбосиш ҳоллари ҳам рўй бермоқда. Бундай ярамас, кечириб бўлмас аҳвол айниқса 12-қурилиш бошқармаси (бошлиғи Е. Бузулуцкий, бош бухгалтер Н. Семенова)да содир бўлаётир. Бу ерда юриш-туришда, хулқ-атворда, ичкиликка муккасидан тушган айрим шахслар бор. Яқинда улардан бир неча киши ўн суткадан камалиб чиқишди. Лекин шунга қарамай идора раҳбарлари уларни камоқда ётган кунларини ишлади деб табелга ёзишган ва ғайри-қонуний равишда ҳақ тўлашган. Албатта бундай кўнгилчанлик қилиш билан жиноятчи, безориларни тарбиялаб бўлмайди.

Ичкиликбозлик, безориларга қарши курашни ҳамма ерда, кўча, маҳаллада, чойхона, кинотеатрларда ва бошқа жойларда айниқса кучайтирайлик. Бу ишда депутатларимиз, жамоатчилик, суд, прокуратура ва милиция органларига яқиндан ёрдам беришлари лозим. Ана шундагина орамизда ичкиликбоз ва безорилар бўлмайди. Улар фойдали ишлари билан шуғулланиб илғор кишилар сафидан ўрин олишади.

Ғ. РАФИҚОВ,
Чилонзор район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ



ЧОРВА МАҲСУЛОТЛАРИНИ КЎПАЙТИРАМИЗ

Коллективимиз Совет ҳокимиятининг 50 йиллик тўйини муносиб совғалар билан нишонлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Ишчилар юбилей вахтасида туриб ишлаб ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Айниқса, чорвадорларимизнинг бу соҳадаги иши диққат-эътиборга сазовордир. Улар чорва маҳсулотларини кўпайтириш йўлида ҳалол меҳнат қилиб, давлат топшириқларини муваффақиятли бажармоқдалар. Биз сут сотиш йиллик давлат планини муддатидан олдин 102 процент қилиб адо этдик. Чирчиқ шаҳрининг аҳолисига 510 тонна серқаймоқ сут етказиб бердик.

План муддатидан олдин бажарилди. Лекин шунга қарамай маҳсулот топшириш тўхтовсиз давом эттирилмоқда. Чорвадорларимиз ҳар бир кунни ғанимат билиб сут соғиб олишни кўпайтиришаяпти. Соғиш сигирларимиз вақтида озиқлантирилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш кўпайиб бормоқда. Бундан тўрт йил олдин ўртача ҳар бош соғиш сигирдан 2033 литрдан сут соғиб олинган эди. 1964 йилда 2476 литрга етди. 1965 йилда эса 2512 литрдан сут соғиб олдик. Ўтган йили олинган сутимиз 2550 литрданга тўғри келди. Уч йил мобайнида ўртача ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш 523 литрга кўпайди.

Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, хўжалигимизда сут соғиб олиш тобора кўпайиб бормоқда. Биз маҳсулот кўп етиштирган ишчиларни доимо рағбатлантириб турибмиз. Пландан ташқари маҳсулот учун ой сайин қўшимча миқдорда 25 процент ҳақ берилияпти. Бундан ташқари мукофот пуллари ҳам тўланяпти. Бу эса чорвадорларимизнинг ишга муносабатини тубдан ўзгартириб юборди. Биз кекса ишчи Раиса Никифоровани жуда ҳурмат қиламиз. У доимо илғорликни қўлдан бой бермайди. Раиса бир ойда план бўйича 7500 литр сут соғиб бериши керак эди. Амалда эса 8645 литр сут соғиб топширди. Шунинг учун ҳам унинг иш ҳақи ошди. Пландаги топширган сут учун 116 сўм пул, ортиқча топширган сути учун 29 сўм қўшимча ҳақ олди. Шундай қилиб, унинг бир ойлик иш ҳақи 145 сўмга тўғри келди.

Биз чорвадорларимизнинг унумли ишлаши учун барча қулайликларни яратиб бердик. Чорва молларини учун белгиланганига қараганда анча кўп миқдорда озуқа тайёрланди. Эришилган ютуқларни яна ҳам мустаҳкамлаймиз. Чорва қишловини намунали ўтказамиз. Сут булоғини яна ҳам кўпайтириб, пландан ташқари йил охирига 300 тоннага яқин қўшимча сут топшириш мажбуриятини оламиз. Юбилейга муносиб совғалар тайёрлаётган коллективимиз бу мажбуриятни ҳам шараф билан бажаради.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, бизда маҳсулотнинг таннархини арзонлаштириш учун кураш ҳам асосий вазифалардан бири қисобланади. Чорвадорлар ем-ҳашакни тежаб-тергаб сарфлаб ортиқча харажатларга йўл қўйишмаяпти. Шунинг учун ҳам арзон сут етказилаётир. 1963 йили 1 центнер сутнинг таннархи 19 сўм 64 тийин, 1964 йили 18 сўм 62 тийин, ўтган йили 17 сўм 60 тийинданга тўғри келган эди. Бу йил эса ундан ҳам арзон бўлишига аминмиз.

А. ЎРМОНОВ,
Оржоникидзе районидаги «Химик» совхозининг директори.

Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозининг чорвадорлари қишлов учун етарли миқдорда ем-хашак тайёрлашга алоҳида эътибор бермондалар. Ҳозиргача мўлжалдаги 1430 тонна ўрнига 1500 тонна силос бостирилди. Кечки маккажўхоридан силос бостириш қизғин давом этмоқда.

О. Қозоқбоев фотоси.

СИЛОС БОСИМИ — СУТ ОКИМИ

Калинин районидаги Охунбоев номли колхозда ем-хашакни кўплаб ғамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда Юсуф Холматов, Мукаррам Юнусова ўртоқлар бошлиқ чорвачилик бригадалари бор.

Бригадаларда барча иш ҳўжалик ҳисоби асосида ташкил этилган. Бригадалар керакли ем-хашакни ўзлари етиштирадилар. Сут соғувчи, молбоқар фақат фермадаги иш билан чегараланиб қолмай, бўш вақтида ем-хашак экинлари парваришига ҳам ёрдам бермоқда. Чунки, мўл ҳосил олинишидан манфаатдордирлар.

Бу усул бригадага бириктирилган экин майдонларидан унумли фойдаланиб маккажўхори, хўраки лавлаги сингари экинлардан мўл ҳосил олинишини, натижада арзон нархдаги гўшт, сут етиштирилишини таъминламоқда. Жумладан М. Юнусова бошлиқ комплекс чорва бригадаси бу йил 25 гектар ерда маккажўхори ўстирди. Парвариш намунали бўлганлиги туфайли ҳосил бўлиқ, сўталар тўлиқ етилди.

Дарҳол ўрим ишлари кучайтирилди. Комбайн ва трактор-лар тинимсиз ишлади. Азиз Эдилов, Яшин Усмонов каби трактурчилар, Сотимбой Эргашев каби шоферлар, айниқса, ғайрат кўрсатдилар. Улар норманн ортиғи билан бажардилар. Натижада ҳар гектаридан 400—500 центнердан ошириб силос боп кўкпоя олинмоқда.

Ж. РАҲМАТОВ.

ДОН МЎЛ БЎЛАДИ

Районимиз ғаллакорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VIII пленумининг «Республика колхоз ва совхозларида дон етиштиришни янада кўпайтириш чоралари тўғрисида»ги қарорини зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Бу ҳужжат барча ғаллакорлар, механизаторлар ўртасида кенг муҳокама қилиниб, 1968 ҳўжалик йилида дон етиштиришни янада кўпайтиришга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Келаси йил ҳосили учун бу йил кузда 17602 гектар ерга дон, шундан 14113 гектарига бугдой, 3489 гектарига арпа экиш планлаштирилди. Бунинг учун хўжаликларда етарли ҳайдов тракторлари ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоблари ишга солинган. Етарли уруғлик жамғарилиб, тозалаб экиш кондицияси талаби даражасига етказилган. Планда белгиланган дон 7500 гектар сифатли шудгорланган ерга экилмоқда.

Кузги ер ҳайдаш ва дон экишда районимизнинг илғор ғаллакор хўжаликлари намунали иш қилмоқдалар. «Коммуна», «Гулистон», «Ленинобод» колхозлари 1000—1500 гектар, «Ўзбекистон» колхози 2120 гектар ерни сифатли шудгорлаб, дастлабки уруғни ерга қададилар.

Лалми ерларни ҳайдашда «Коммуна» колхозида Маҳкам Раҳимов, Толиб Акбаров, Норхўжа Юнусов, «Гулистон» колхозида Серка Шарипов, Шариф Турсунов, Миртожи Мирусмоков ўртоқлар бошқаларга ўрнак кўрсатмоқдалар.

«Ўзбекистон» колхози ҳар йили бошоқли экинлардан юқори ҳосил етиштирмоқда. Колхозда 2200 гектар ерда битта ихтисослаштирилган ғаллачилик бригадаси ташкил этилган. Бу йилги об-ҳаво қийинчиликларини фидокорона меҳнатлари билан енган бригада аъзолари ғалладан 2574 тонналик хирмон кўтардилар. Улар бу йил пленум қарорига амал қилиб, 2250 гектар ерга доимо фақат кузда экишаяпти. Чунки тоғ шароитида кузги ғалладан юқори ҳосил олинади. Келаси йили ҳар гектар ердан 14—16 центнердан ҳосил олиш учун барча агротехник тадбирлар кўрилмоқда.

Районимиз хўжаликлари бу муҳим қарорга жавобан астойдил меҳнат қилиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллик юбилейи шарафига барча майдонга ғаллани сифатли экиб, 1963 йилда гектаридан бу йилгига нисбатан 4 центнердан ошириб ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

М. ҚОБУЛОВ,
Юқори Чирчиқ район қишлоқ хўжалиги бошқармасининг агрономи.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ЛУБ ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 21 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Колхозларнинг номи	Мавсум бошидан буён	Колхозларнинг номи	Мавсум бошидан буён
«Северный маяк»	**148,5**	Ленин номли	85,1
«Политотдел»	**103,8**	«Ленинский путь»	83,6
Киров номли	**101,7**	«Ленинград»	75,6
«Победа»	**100,5**	«Гулистон»	72,1
Свердлов номли	97,0	Ҳамза номли	69,4
«Правда»	92,0	Энгельс номли	63,1
«Заря коммунизма»	88,3	Свердлов номли	62,1
К. Маркс номли	87,3	«Коммунизм» совхози	49,4
Димитров номли	87,3	Ленин номли	39,8
«Ўзбекистон»	85,6	Калинин номли	35,5

ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

(ХАТЛАРНИ ЎҚИБ)

«Тўсатдан онам оғриб қолдилар. Ҳароратлари кўтарилиб, ўзларини ёмон ҳис қилардилар. Нима қилиш керак? Албатта, врач чақириш лозим эди. Совхоз касалхонасига қўнғироқ қилдик. Кўп ўтмай «Тез ёрдам» машинаси етиб келди. Онамга дастлабки медицина ёрдами кўрсатилди. Кўп ўтмай бетоб онам соғайиб кетдилар».

Бу хатни газетхон **И. Аширматов** ёзиб юборган. У ўз хатида Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг СУБ-2 касалхонасида кўп йиллардан бери ишлаб келаётган У. Йўлдошев ҳақида ёзарди. Тажрибали врач У. Йўлдошев қўлида кўп беморлар шифо топган.

Ўз касб-корини жон-дилдан эъзозлаётган, инсон меҳри билан яшаётган бундай шифокорлар бизда оз дейсизми? Редакциямизга келиб турган хат-хабарлар орасида моҳир шифокорлар ҳақида ёзилганлари ҳам анчагина. Газетхон **А. Қосимов** Тошкентдаги 26-поликлиника медицина ходимларининг шу кунларда олиб бораётган ишлари ҳақида бизга хабар қилган. К. Расулева, М. Суровцева, М. Иноятова, М. Убайдуллаева каби шифокорлар поликлиника хизмат кўрсатаётган аҳоли ҳурматини қозонмоқдалар.

Мана бу хат ҳам поликлиникадан. Газетхон **К. Мусамуродов** ўз хатида Тошкентдаги 2-шаҳар поликлиникасининг ишчан ходими А. Комилованинг шифокорлик маҳорати ҳақида ёзади. Жонкуяр шифокор 3-мебель фабрикаси, 5-босмахона, Тошкент химия-фармацевтика заводи каби корхоналарга ҳам бориб, медицина темаларида суҳбатлар ўтказиб туради.

Редакциямиз шунингдек Орженикидзе районининг Қўшқўрғон қишлоқ Советидаги «Ленинград» колхозида истиқомат қилувчи **Т. Рўзиматовдан** ҳам хат олди. Унда Чирчиқ шаҳар касалхонасининг хирурги Саид ака Мулупуовнинг хирурглик маҳорати батафсил ҳикоя қилинган.

— Чиноздаги марказий касалхона шифокори Турғун Шокиров ҳамманинг ҳурматини қозонган,— деб ёзади **Х. Сулаймонов.**— Бу ишчан шифокор бой тажрибага эга. У ҳодимларнинг чинакам маслаҳатгўйи ва устози бўлиб қолган.

Газетхонлардан олинган меҳр сатрларига тўла бундай хатларни ўқиганингда, беихтиёр қўлингиз дард кўрмасин. шифокорлар дейсан киши!

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАРДА

В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИ МОНГОЛ ТИЛИДА НАШР ЭТИЛАДИ

УЛАН-БАТОР. Монгол и я Халқ революцион партияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг коллективи В. И. Ленин асарлари тўпламининг 30—35 томларини монгол тилида босмага тайёрлади. Бу томлар жами 100 минг нусха нашр этилади.

ДЎСТЛИК ҲАҚИДА ФИЛЬМ

БУДАПЕШТ. Венгри я д а КПСС Марказий Комитети Бош Секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегациясининг Будапештда бўлишига бағишланган хроникал-ҳужжатли кинофильм чиқарилди.

Фильм совет меҳмонларининг Венгрия пойтахтида бўлган кунлари тўғрисида, ҳар иккала мамлакат ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши ҳақида, венгер-совет дўстлиги митинги тўғрисида ҳикоя қилади.

ОКТЯБРГА БАҒИШЛАНАДИ

ВАРШАВА. Польшанинг Забже шаҳрида Польша Халқ Республикасининг 20 йиллигига ва Советлар мамлакатининг 50 йиллигига бағишланган илмий конференция ўтказилди. Конференцияда Улуғ Октябрнинг Силезиядаги ишчилар ҳаракатн тараққиётига кўрсатган таъсири ҳақида ва Силезия пролетариати революцион курашининг традицияларн тўғрисида докладлар қилинди.

* * *

Краковда «Октябрь революцияси бадиий адабиёт, хотиралар ва эсдаликларда» деган виставка очилди. Виставка Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги юбилейига бағишланган. Мавзун Улуғ Октябрь билан боғланган ва жаҳоннинг ҳамма мамлакатларидан олинган неча юзлаб китоблар виставкага қўйилди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги муносабати билан Польша студентлари бирлашмаси, Польша-Совет дўстлиги жамиятининг бош бошқармаси ва Варшавадаги В. И. Ленин музейи «Янги аср» деган энг яхши поэма учун конкурс эълон қилдилар. Конкурсдан кузатилган мақсад-дунёда Октябрь революцияси таъсири билан содир бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни, Польша-Совет дўстлиги тарихини ва ёш авлоднинг социалистик қурилишдаги иштирокини шеърий тасвирлаб беришдан иборат.

ҒОЛИБЛАРГА ЕДГОРЛИК

ПРАГА. 1944 йил 21 сентябрь — Чехословакиядаги Калинов қишлоғининг аҳолиси учун эсдалик кунидир. Шу куни Калинов қишлоғи совет қўшинлари томонидан озод қилинган эди.

Ана шу шонли воқеа шарафига Калиновда халоскорларга монумент ўрнатилади. Оқ мармардан ўйиб ишланган бу монумент ёш болани баланд кўтариб турган совет жангчисини тасвирлайди.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

Октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида Улан-Баторда ўтказиладиган илмий-назарий конференция «Октябрь ва Монголия» деган темага бағишланади. Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти ва Монголия Халқ Республикаси Фанлар академияси бу конференцияни ташкил этадилар.

Совет Иттифоқи, Венгрия, Польша ва бошқа мамлакатларнинг олимлари конференцияда қатнашадилар.

* * *

Меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган халқаро кинофестивалда 62 фильм кўрсатилади. Бу фестиваль Будапештда бошланди. Фестивалда Венгриядан ташқари Болгария, Чехословакия, Югославия, Польша, Германия Демократик Республикаси, Руминия ва Совет Иттифоқи қатнашадилар. (ТАСС).

ҲИНДИСТОНДА К. МАРКС АСАРЛАРИ УРГАНИЛМОҚДА

ДЕҲЛИ, 21 сентябрь. (ТАСС). Керала штатининг бош шаҳри Тривандрамда кеча очилган махсус семинар К. Маркснинг ўлмас асари «Капитал» босилиб чиққанлигининг 100 йиллигига бағишланди.

Семинар ишида кўзга кўринган иқтисодчилар, тарихчилар, ҳинд жамоатчилигининг вакиллари қатнашмоқда. Семинар қатнашчилари «К. Маркс ва социал фанлар», «Марксизм диалектикаси», «К. Маркс ва тарих» деган докладларни тингладилар.

ИСРОИЛ ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ЯНГИ ИҒВОГАРЛИГИ

ҚОҲИРА, 21 сентябрь. (ТАСС). Бугун Исроил ҳарбийлари Порт-Саиднинг жанубидаги Қантара шаҳри районида қуролли иғвогарлик қилди.

Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучларининг олий қўшмондолиги эълон қилган ахборотда айтилишича, бугун эрталаб маҳаллий вақт билан соат 8-05 минутда Исроил қўшинлари Сувайш канали бўйидаги Қантара шаҳри районини тўпга тута бошлаганлар. Миср қўшинлари бунга жавобан ўт очганлар. Бу отишма Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Сувайш канали зонасида турган кузатувчилари талабига биноан, эрталаб соат 9-45 минутда тўхтатилган.

ПРЕЗИДЕНТ КЕННЕДИНИ АМЕРИКА УЛЬТРАЛАРИ УЛДИРГАН

НЬЮ-ЙОРК, 21 сентябрь. (ТАСС). Янги Орлеаннинг округ прокурори Жим Гаррисон АҚШ марказий разведка бошқармасини яна айблаб, президент Кеннедини ўлдириш мақсадини кўзлаган фитнада шу бошқарма ҳам қатнашган, ҳозир эса у мазкур ўлдириш қай вазиятда содир бўлганлигини текширишга атайин халақит бермоқда, деди.

НИГЕРИЯДАГИ АҲВОЛ

ЛАГОС, 21 сентябрь. (ТАСС). Уруш ҳаракатлари тўғрисида кеча кечқурун бу ерда эълон қилинган ахборотда федерал ҳукумат қўшинлари ўрта-ғарбий Нигерия пойтахти Бенин шаҳрини эгаллаганликлари айтилган. Сўнгра ахборотда айтиладики, федерал қўшинлар Бенининг шарқи-шимолидаги Уром ва Экпон деган манзилгоҳларини ҳамда Бенининг ғарбий-жанубидаги Кўрп шаҳарлари бўлган Янгтаун ва Кока шаҳарларини ҳам ишғол қилганлар.

Бенин шаҳрининг ўзи ўрта-ғарбий Нигерия Бенин республикаси деб эълон қилинганидан сўнг бир неча соат ўтар-ўтмас ишғол қилинди.

ПРЕЗИДЕНТ ВИЗИТИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

РАВАЛПИНДИ. Покистон президенти Муҳаммад Аюбхоннинг Совет Иттифоқига қиладиган визити Покистон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Покистон газеталари Аюбхоннинг СССРга қиладиган сафари программасини босиб чиқардилар. Бунда Покистон давлати ва ҳукумати бошлиғининг совет раҳбарлари билан олиб борадиган музокараларига алоҳида эътибор берилади. Маҳаллий сиёсий обзорчиларнинг фикрича, бу музокаралар иқтисодий, маданий ва илмий соҳаларда ҳар иккала қўшни мамлакат ўртасида йил сайин ривожланиб бораётган дўстлик алоқалари ва ҳамкорликда янги босқич бўлади. (ТАСС).

СУРБЕТЛАРЧА ХУРУЖ

ДАМАШҚ. Дамашқдаги 14-Халқаро ярмарка ўз ишини тамомлаган пайтда ярмарка очилганидан буён ёпиқ турган Хитой павильонидан ёш йигит чиқиб томошабинларни чақира бошлади. У томошабинларнинг кўпига брошюраларни олишни қистади. Бу брошюрада Совет Иттифоқининг ички ва ташқи сиёсатига туҳмат қилинган эди.


Олдиндан планлаштириб қўйилган ва Сурия Республикаси билан Совет халқи ўртасидаги дўстона алоқаларни бузишга қаратилган ана шу сурбетларча қилинган иғвогарлик ярмаркада ҳозир бўлган кишиларни ҳақли суратда газаблантирди.

(ТАСС).

ТЕХАСДА ДОВУЛ

НЬЮ-ЙОРК, 21 сентябрь. (ТАСС). Мартиника, Пуэрто-Рико, Гаити оролларида 13 кундан бери давом қилиб анчагина жойларни вайрон этган ва одамларни ўлдирган довул Мексика кўрфазидан ўтиб кеча Техас штатига ёйилди.

Минглаб уйлар вайрон бўлди, алоқа узилиб қолди, 30 киши ҳалок бўлди. АП агентлигининг хабарида айтилишича, Порт-Изабель шаҳри «худди жуда қаттиқ бомбардимон қилинган шаҳарга ўхшаб қолди». Корпус Кристи шаҳри яқинида довул бир автомобилни ичидаги икки киши билан учириб кетиб, кўча бўйидаги ариқка улоқтирди. Мутахассисларнинг қилган ҳисобига қараганда, бу довул Техас штатининг қишлоқ хўжалигига 50 миллион долларлик зарар етказган.



ПОЛЬША қуролли кучлари ҳозирги замон қуролларига эга. У Польша халқининг социалистик ғалабаларини кўз қорачиғидек сақламоқда.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ТАИЛАНД ҚЎШИНЛАРИ ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДА

ЛОНДОН, 21 сентябрь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири хабар беради: Таиланд қўшинларининг 2.200 кишидан иборат дастлабки туркуми бугун Сайгонга келтирилди.

Шундай қилиб таиланд АҚШдан ташқари Жанубий Вьетнамга ўз қўшинларини юборган бешинчи мамлакат бўлди. Жанубий Корея, Филиппин, Австралия ва Янги Зеландия қўшинлари Америка қўшинлари билан биргаликда Жанубий Вьетнам ватанпарварларига қарши агрессив уруш олиб бормоқдалар.

АРТИСТ, ПЎЛАТ ЭРИТУВЧИ ВА ОЛИМНИНГ АВСТРАЛИЯГА КЕЛИШИГА РУХСАТ БЕРИЛМАДИ

КАНБЕРРА. Австралия маъмурлари Совет делегациясининг аъзолари — киноартист Нина Веселовская, СССР Олий Советининг депутати, пўлат эритувчи Г. М. Аулов ва академик Н. П. Федоренколарнинг Австралияга келишига ижозат бермадилар. Австралия—Совет дўстлиги жамияти бу делегацияни ана шу жамиятнинг миллий конференциясида қатнашиш учун Сиднейга таклиф этган эди.

(ТАСС).

ВАТАНПАРВАРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

ХАНОЙ. 21 сентябрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 13 сентябрда Митхо вилоятидаги Кайлай районида Америка қўмондонлиги 4-тош йўлни назорат қилиш учун юборган Америка 4-батальонининг жазо операциясини барбод этдилар. Партизанлар душманнинг 220 солдат ва офицерини ўлдирдилар ва ярадор қилдилар, икки бронетранспортёрини яксон этдилар. Вьетнам информация агентлиги Озодлик агентлигининг берган маълумотларига асосланиб ана шуни хабар қилди.

Маҳаллий ўз-ўзини мудофаа қилиш жангчилари ва партизанлар 8 сентябрда Шоҳчанг вилоятида душманнинг Кесать лагерига қилган ҳужуми натижасида душманнинг 105 солдатини яксон қилдилар ҳамда кўп миқдорда техника ва ҳарбий анжомни қўлга туширдилар.

Жанубий Вьетнам партизанлари 27 августдан 3 сентябргача Куангчи вилоятининг жанубий районларида Америка ва кўғирчоқ ҳукумат армияларининг бўлинмаларига қаттиқ зарба берган жангларида Американинг қарийб 400 ҳарбий хизматчисини сафдан чиқардилар, 5 тўпини яксон қилдилар ва душманнинг икки вертолётини уриб туширдилар.

АГРЕССОРЛАРГА ЗАРБА БЕРМОҚДАЛАР

ХАНОЙ. 21 сентябрь. (ТАСС). Хайфон радиоси қуйидагиларни хабар қилди: ана шу порт шаҳрининг ҳимоячилари Америка авиацияснинг навбатдаги ҳужумини даф этиб, бугун Американинг икки ҳаво қароқчисини уриб туширдилар.

Хайфоннинг ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари граждан мудофааси отрядлари билан биргаликда ўз жонажон шаҳрини мардонавор мудофаа қилмоқдалар. Ракета-зенит қўшинлари Америка авиацияси ҳужумларини даф этишда зарбдор роль ўйнамоқда. Хайфон ҳаво ҳужумидан мудофаа штабининг маълумотларига кўра, сентябрь ойининг уч ҳафтаси ичида Американинг 21 самолёти уриб туширилган.

АМЕРИКАНИНГ ЯНА ИККИ САМОЛЁТИ УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ. Қўшимча олинган маълумотларга қарағанда, Вьетнам халқ армиясининг ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қисмлари 13 ва 16 сентябрда Вьетнам Демократик Республикаси осмонида Американинг икки самолётини уриб туширганлар.

(ТАСС).

ВИТАМИНЛАРДА ҲОСИЯТ КЎП

⊙ Организмнинг ўсиши ва ривожланиши учун хизмат қиладиган энг муҳим витамин «А» витаминидир. Агар киши организмида «А» витамини етишмаса, у шабкўрлик деб аталган касалликка дучор бўлади.

Организм кунига 1 килограмм «А» витаминига муҳтож бўлади. Бу фойдали витамин сариёғ ёки эритилган ёғ, тухум сариғи ва жигар таркибида, айниқса баъзи балиқларда (треска, денгиз окуни) кўп бўлади.

⊙ «В» ҳарфи билан ифодаланадиган витамин группасига бир қатор витаминлар киради. Булар ичида энг муҳими B^1 витаминидир. Марказий ва переферик нерв системасининг нормал фаолияти кўп жиҳатдан шу витаминга боғлиқ. Организмда бу витамин етишмаса ақлий меҳнат билан шуғулланувчи киши тез чарчийди. Одам ортиқ даражада ҳаяжонланади. Оёқларининг мускулларида оғриқ пайдо бўлади, нафас қисилади.

Нўхат, мош, ловия каби дуккакли ўсимликларда ва гўштларда бу витамин кўп бўлади. Одатдаги ейдиган таомлар-бўтдай нони, гўшт, сут, крупа, картошка ва бошқаларни истеъмол қилинса организмнинг B^1 витаминига бўлган эҳтиёжи қондирилади.


⊙ «В» группасига кирувчи B^2 витамини «рибофлавин» номи билан ҳам маълум. Бу витамин организмдаги тўқима ҳужайраларнинг қайта тикланишига, чунончи яра ва жароҳатларнинг битиб кетишига катта ёрдам беради. B^2 айниқса гўшт, сут, балиқ, сутдан қилинган маҳсулотлар таркибида кўп.

⊙ Инсон организми учун жуда зарур нарса «РР» витаминидир. Бу витамин етишмаганда киши гадир-будир тери, яъни пеллагра касаллигига дучор бўлади. Беморнинг териси, ошқозон-ичак йўллари ва марказий нерв системаси зарарланади.

Бу витамин, асосан гўшт, жигар, буйрак ва қорамол юрагида, шунингдек буғдой, қорабуғдой, хамиртуриш, пиво ачитқиларида бўлади.

⊙ Истеъмол қилинадиган таомда «С» витамини кам бўлса, организмнинг ишчанлиги ва турли юқумли касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилияти пасаяди. Киши тез чарчайдиган, бедармон, серуйқу, сариқ бўлиб қолади. Оқибатда мускуллар ва бўғинларга қон қуйилади, тишлар қимирлайдиган бўлиб қолади, ҳатто тушиб кетади.

Ҳўл мевалар, картошка ва сабзавот таркибида анча-мунча «С» витамини бор. Баъзи ёввойи ўсимликларда, масалан наъматакда бу витамин (100 граммдан 1.500 миллиграмм), ёнғоқда (100 грамм), хом ёнғоқда (2000—2500 миллиграм) айниқса кўпдир.



ЯНГИЙЎЛдаги Ленин номли колхоз қишлоғи йилдан-йилга обод ва кўркам бўлиб шаҳар тусини олмоқда. Сиз суратда колхознинг муҳташам маданият саройини кўриб турибсиз.
А. Палехов фотоси.

ИНТЕРМЕДИЯ

ТАНТИҚ

(Кунга қаратиб солинган кунгирадор айвон. Атлас кўрпачалар тўшоғлиқ. Хонтахта устида Сарвар опа дазмол босяпти. Шу пайт кўча эшик қарсиллаб очилди. Юз-қўли ифлос, сочлари ғўзилган, кўйлаклари доғ-дуғ 6—7 ёшлардаги қизи Юлдуз кўринади).

САРВАР ОПА:— Вой, ўлмасам бу нимаси! (Фиғони фалакка чиқиб) Башарангни қара, қаерга булғаландинг? Вой-воей, қачон ақл кираркин сенга. Ҳар куни аҳволинг шу-я?! Ахир бунақада кийим бакор келади-ми?!... (Сарвар опа янги дазмолланган кўйлакдардан бирини олиб): Ҳа, майли кел кўйлагингни алмаштир. Мановини кийиб ол!

ЮЛДУЗ:—Фуу ўша кўйлагимнинг ўзи ёмон эди. Нима, кўйлакларим кўпу. Э, буни кийимайман атласимни олиб беринг!

САРВАР ОПА:—Қўй болам, уни меҳмонга борганингда киясан.

ЮЛДУЗ:— Бар, керакмас! Ҳозир! (Депсиниб йиғлайди).

САРВАР ОПА:— Бўлмаса атласингни кийиб чи, бувингларникига бориб кела қол. Агар қувватлари етса бирга олиб келгин хўпми, ширмон қизим.

ЮЛДУЗ:— Э, у ёққа боргим келмаяпти.

САРВАР ОПА:— Бориб келақолгин ойинг ўргилсин, унақа қайсарлик қилма, ўзинг доно қизсан-ку!

ЮЛДУЗ: — Агар борсам, ҳимм, нима берасиз?

САРВАР ОПА:— Мана шоколад...

ЮЛДУЗ:— Э, уч сўм.

САРВАР ОПА:— Уч сўм?! Нима қиласан?

ЮЛДУЗ:— Э, бераверсангизчи...

САРВАР ОПА:— Ма, бир сўм.

ЮЛДУЗ:— Вуй, бир сўм нима бўлади! (Инжиқланади) Яна, яна!...

САРВАР ОПА:— Оппоқ қизим, бўлди мени кўп сиқма энди.

ЮЛДУЗ:— Ҳеч нарсани билмайман, топасиз дедимми, топасиз!

САРВАР ОПА:— Жуда ўжарсан-да. Ма, ҳиқиллама энди!

ЮЛДУЗ:— (Хурсанд) Мазза! Бопладим. Бувимникига бормайман. Ҳозир бунга... Қизил сув, мороженое оламан во! ля, ля, ля (сакраганича яна кўчага отилади).

САРВАР ОПА:— Ҳой-ҳой қизим, машинага эҳтиёт бўл! Оббо омон бўлгурей тутган ерини кесадия. Урай десам ёлғиз қизим, қойий десам ёлғиз қизим...

(Орадан йиллар ўтди. Бугун қизининг туғилган куни. «Джаз» музикаси хонани бошига кўтаряпти. Юлдуз равондаги трюмо олдида ўзини ойнага солиб пардоз-андоз қиляпти. Сочига оқ оралаган она бечора икки букилиб ҳовли супурмоқда).

ЮЛДУЗ: — Ҳозир тумовга йиғиладию, мунча ивирсимасангиз!

САРВАР ОПА: — (Наридан бери супрунлини олиб ошхонага югуради, Мана, ҳозир қизгинам, сен ҳам тарелкаларни тезроқ артишиб юборгин кўзичогим?

ЮЛДУЗ: — (Мин г и л л а б) Уф, туғилган кунимдаям-а! Ахир маникюрим кўчиб кетсинми? Ўзингиз тезрок қилақолинг! Анови кампир қўшнингиз чиқаман, девдику, чиқмадими?

САРВАР ОПА: — Қайдам, иши чиқиб қолгандирда.

ЮЛДУЗ: — Хўп, майли мамуля, лекин ҳали ўртоқларим келганида уларнинг олдига ҳадеб кираверманг, хўпми?

САРВАР ОПА: — Вой, болам, нега ундай дейсан? Ахир туғилган кунингдаям...

ЮЛДУЗ: — Именно шунинг учун айтяпманда. Неудобно. Шу бугунча бизга ошхонада хизмат қилиб туринг, мамулечка.

САРВАР ОПА: — Вой, нега, мендан уялсанми? Нима менинг кўзим кўр, бурним пучуқмидики...

ЮЛДУЗ: — Оббо, бошланди, яна тергов, нега, нима учун... Бунча эзмасиз. Ахир улар ичида менинг йигитим ҳам бўлади. Сизни кўриб айтмайдими, шундай «культурний» кизи бўла туриб онаси эскича экан деб. Просто мен учун позор! Сизга ҳеч гап тушунтириб бўлмайди. Туғилган кунимдаям настроениямни портить қилманг. Уф, ана прическам ҳам бузулиб кетди.

САРВАР ОПА: — Майли болам, хўп, хўп...

ҚЎШНИ КАМПИР: — Вой тасаддук, табриклайман (Юлдуз билан кўришиш учун кўл чўзади) илоҳим онангиннг роҳатингни кўрсин, Юлдузхон қизим. Ойинг уйдами?

ЮЛДУЗ: — (Хўмрайиб, истамас) Келинг кампир. Энди мени бундан буён Юля деб чақиринг! «Хон»ингиз нимасси!

ҚЎШНИ КАМПИР:— Вой, нега? Шундай чиройлик отинг туриб-а? «Юл», «Юл» деймн, ё товба?!...

ДУГОНАСИ: (Юлдузни юпатмоқчи бўлиб). Ҳа, улар наснҳатдан бошқани билишмайди. Мени старушкам ҳам нотация ўқиган ўқиган. Да ну их, из-за пустяков портить настроение.

ЭЛДОР:— Мумкинми? (Шу пайт басавлат хушрўйгина йигит одоб билан киради).

ЮЛДУЗ: (Шошиб қолади)— Вой, тисс, Элдор акам! Келинг, келинг кираверинг, ҳудди ўз уйингиздай бемалол кираверинг,

ЭЛДОР:— Кимлар бор? (Ошнадан саватда нон кўтариб чиққан аёлга кўзи тушади). Ие, Ассалому-алайкум.

САРВАР ОПА:— Ваалайкум ассалом, келинг болам, хуш келибсиз.

ЭЛДОР:— Яхшимисиз она, ҳорманг ишлар билан. Жуда уриниб қолибсизда. Беринг мени қўлингиздагини (Одоб билан катта саватдаги нонларни кўярда-қўймай олади).

САРВАР ОПА:— Вой, ўргулай сиздан, меҳмонни ишлатаманми, йўқ ўзим, тасаддук.

ЮЛДУЗ:— Қўяверинг Элдор ака ўзлари...

ЭЛДОР:— (Қўлидаги нонларни уйдаги ясатиғлик дастурхон четига териб чиқаркан) — Юлдузхон, бу аёл ойингиз бўлсалар керак-а?

ЮЛДУЗ:— Улармн, ҳалиги, йўқ нега онам бўларкан, хизматчимиз.

ЭЛДОР:— Ҳимм. Бўлмаса ойингиз қанилар?

ЮЛДУЗ:— Улар ҳозир курортдалар. Сизга мен бўлсам бўлди эмасми? (Ноз қилади).

ЭЛДОР: Оббо сизей. Ёшлигимда ойингизларни бир кўргандим-да. Шундан кейин кўрмадим. Мен билан сўрашган аёл кўзимга жуда иссиқ кўринди. Курортдалар денга...

САРВАР ОПА: Юлдузхон қизим, бу ёққа қара...

ЭЛДОР: (Ўзича)—Ие, нега Юлдузнинг ранги окариб кетди? Балки меҳмонлар келишгандир, мен ҳам чиқай.

ЮЛДУЗ: Қанақа бетамиз хотинсиз! Онам эканлигингизни билдирманг деб айтувдимку. Элдорнинг олдида номусга ўлдирдингиз. (Элдорга энди ҳаммаси аён).

ЮЛДУЗ: Зерикмай ўтирибсизми?

ЭЛДОР: Раҳмат, нимага чақиришибди?

ЮЛДУЗ: Шундай секрет (ясама жилмаяди).

ЭЛДОР: Шундай қилиб онам курортдалар денг.

ЮЛДУЗ: Ҳа, мунча битта гапни тутиб олдингиз?

ЭЛДОР: (Энди ўзини тутиб туролмади) Юлдузхон, мени кечиринг, лекин айтишга мажбурман. Мен Сизга шу муштипар она туфайлигина меҳр қўйгандим. Шундай онанинг фарзанди... Афсус... Бу нуроний аёл онангиз бўлмаган тақдирда хам унга паст назар билан қараш сиздек «маданият»ли қиз учун лозимми? Ўзи емай едирган, киймай кийдирган, ёлғизим деб бино қўйган қизи ўз онасидан тониб турса-ю, ўзга бир кишига вафо қилардими? Хайр, раҳмат сизга-е! (Жаҳл билан чиқади).

ЮЛДУЗ: (Саросимада бошини чангаллаганича қолади) Элдор ака, мен, мен...

Фарида УСМОНОВА,
ТошДУ студенти.

ДОНОЛАР СЎЗИ

Ўзгалар айбига тетик назар сол,
Ўз айбинг кўргандек, ундан ибрат ол!
Н. ГАНЖАВИЙ.

Мансаб билан баландмас одам,
Мансаб одам билан муҳтарам.
Сиқилган кишига кулги бахш этмоқ,
Бир ботмон қанддан ҳам, билгил яхшироқ.
А. ЖОМИЙ.

Чинакам хушмуомалалик одамларга нисбатан мурувватли бўлишдан иборат.
Ж. РУССО.

Хушмуомалалик бизга энг арзонга тушадиган ва одамлар томонидан ҳамма нарсадан қиммат баҳоланадиган фазилатдир.
М. СЕРВАНТЕС.

Одамнинг ёмон кайфияти ҳамиша унинг ўзини, шу билан бирга бошқаларни ҳам бахтсиз қилади. Яхши кайфият эса, бамисоли ёғ бўлиб, ҳаёт ғилдирагини айлантиради.
Л. ТОЛСТОЙ.

Тилингни сўзлашга соз, муҳаё қил,
Тилингни ўқ қилу, ақлингни ёй қил.
А. ФИРДАВСИЙ.

Кишини раижитмоқ жуда ҳам енгил,
Кўнглин олмоқ эса ундай эмас, бил.
Н. ХИСРОВ.

Дағал муомала тўғри кўнгиллилик ва кучлилик белгиси деб ўйлаш хато.
В. ШЕКСПИР.

Кексаларни этсанг азизу-иззат,
Кексайсанг сени ҳам этишар ҳурмат.
Ф. АТТОР.

Агар тарбият кўрмаса одам,
Эшак бўлиб қолур юзга кирса ҳам.
С. ШЕРОЗИЙ.

Маърифатли ақл ахлоқий туйғуларга фазилат бахш этади: бош юракни тарбиялаш керак.
Ф. ШИЛЛЕР.

Ташқи софлик ва латифлик ички мусаффолик ва гўзалликнинг ифодаси бўлмоғи лозим.
В. БЕЛИНСКИЙ.

Қўполлик ҳамиша нафрат уйғотади.
Ф. БЭКОН.

Бировни ҳақорат қилган киши ўз ғамини емаган бўлади.
Леонардо да ВИНЧИ.

ҲОЗИРГИ КУН ЛОФЛАРИ

Бир лофчи иккинчисига мақтанибди:

—Бизнинг маршрутга шундай автобус қатнайдики, ҳар қатнаганда 50 ўринга юз эллик-икки юз йўловчини кўрдим демайдн.

— Э, омон бўлинг, — дебди иккинчиси. Шуни ҳам автобус деб юрибсизми, — бизнинг томонга магнитли автобус қатнайди, этагнинг тегиб кетса илаштириб кетаверади.

* * *

Ҳозиргина хайр-хўш қилиб кетган лофчи аёл мезбоннинг уйига яна қайтиб келиб:

— Эсим қурсин овсин. Шокиржоннинг калишини қолдириб кетибман,—дебди. Шунда мезбон:

— Назарингизни қаранг-а, бир пойини пақир ўрнига тарнов тагига, бир пойини сигирхонага оҳур қилиб қўймоқчийдим, — дебди. Меҳмон эса:

— Жоним билан ташлаб кетардим-у, поччагиз бир пойининг устини ёпиб молхона қилиб бермоқчи эдилар, — дебди.

* * *

Бир лофчининг хотини иккинчисининг хотинидан сўрабди:

— Ҳай овсин, поччам у ёқ—бу ёққа кетганмилар?

— Ҳа, қуриб кетсин, ўзларига костюм тиктирмоқчи бўлиб, гузардаги модалар ателъесига чиқиб кетганларига бугун олти-ой бўлаяпти. Кеча телеграмма олдик. Мастерлар энди размерларини бичиб тикишга ўтирганмиш. Уч-тўрт ойда бориб қоларман дебдилар.

— Мастерлар ҳам ўлмасинай,—дебди иккинчиси, — олти ойда ўлчаб бўлган бўлса автомат экан-да. Поччагиз приёмингизни тузатгириб келаман деб, устахонага чиқиб кетганларида мана бу Гайратингиз қоринмда эди, — дебди.

А. ШАЙХОВ.

БИЛАСИЗМИ?

БУРЖЛАР НИМА?

Ҳозирга қадар сайёраларнинг арабча ва русча номларигина ёки буржларнинг арабча номларигина амалда ишлатилади. Ваҳоланки, сайёра ва буржларнинг соф туркий номлари ҳам мавжуд.

1969 йилда ёзилганига 900 йил бўладиган шоҳ асар—«Қутадғу билиг»да сайёраларнинг туркий номлари келтирилган. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг мазкур асарида йил 12 ойни ифодаловчи буржларни санаб ўтади.

Булар: Қўзи (Ҳамал), Уд (Савр), Эрандиз (Жавзо), Қўчиқ (Саратон), Арслон (Асад), Бўғдайбоши (Сумбула), Улғу (Мезон), Чадан (Ақраб), Яй (Қавс), Ўғлақ (Жадий), Кунак (Далв), Балиқ (Ҳут).

Бу номларнинг луғавий маъноси қуйидагича: қўзи-қўй; удбуқа; Эрандиз-эгизак; Қўчиқ-қисқичбақа, Арслон-арслон; Бўғдайбоши-бошоқ; улғу-тарози; чадан-чаён, Яй-ёй; ўғлақ-улоқ; кунак-қовға; балиқ-балиқ.



ПОЙТАХТИМИЗ ЖАМОЛИ. Революция скверида.
Р. Шамсутдинов фотоси. ЎзТАГ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

НЕВА СОҲИЛЛАРИДАН КЕЛТИРИЛГАН МАШЪАЛА

20 сентябрь кечқурун Тошкент йигит ва қизлари Совет давлатининг ярим асрлик юбилейига бағишланган «Комсомол — Октябрга» деган Бутуниттифоқ ёшлар мотоэстафетаси қатнашчиларини Туркистоннинг 14 комиссари ёғдорлиги олдида кутиб олдилар.

Бундан бир ярим ой муқаддам Ленинградда халқ шоншуҳрати изчиларининг слёти ёпилган куни ёқилган машъалани спортчилар Карелия, Поволжье, Урал, Сибирь, Қирғизистон йўлларидан олиб ўтдилар. Қозоғистон комсомолининг вакиллари машъалани эстафетанинг 26-босқичи — Ўзбекистонга келтирдилар.

Комсомол ташкилотларининг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари, революция ветеранлари эстафета қатнашчиларини қизғин табрикладилар. Машъалани қабул қилиб олган Ўзбекистон спортчиларига республика ёшларининг Улуғ Октябрь юбилейи шарафига қилаётган меҳнат муваффақиятлари тўғрисидаги маълумотлар топширилди. Эстафета Душанбега йўл олди. (ЎзТАГ).

БЎСТОНЛИҚ МЕВАЛАРИ МОСКВАДА

Москвадаги СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг «Боғдорчилик ва виночилик» павильонида турли хил мевалар кўриги намойиш этилмоқда.

Бўстонлиқ давлат саралаш участкаси коллективи етиштирган мевалар ҳам бошқа мевалар қатори кўпчиликка манзур бўлмоқда. «Ветерок» ва «Старт» навли шафтолилар, эртаги нок, «Навоий» ва «Апорт» навли олмалар павильондаги энг яхши мевалар деб тан олинмоқда.

Москваликлар ва пойтахт меҳмонлари Бўстонлиқ меваларини муносиб баҳолаб, фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдирмоқдалар.

Л. АПАРНИКОВ.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

БОИ БЕРИЛГАН ҒАЛАБА

«Пахтакор» командасининг Ленинградда «Зенит» билан бўлган учрашуви ҳамшаҳарларимиз фойдасига ҳал бўлай деб турган эди. Стадионга йиғилган ишқибозлар ҳам меҳмонларнинг ғалабасига шубҳа қилмай юрган эдилар. Аммо «Пахтакор» ютуқни бой бериб қўйди. Учрашув 2:2 ҳисобида тугади.

Уйиннинг 42-минутида «Пахтакор»нинг ҳимоячиси Штерн майдон ўрталаридан штраф тўпини зарб билан тепиб ҳисобни очди. Иккинчи тўпни 52-минутда Абдураммов киритди. Учрашув тугашига 15 минут қолганда ленинградлик ҳужумчи Соловьев битта жавоб тўпи урди, яна тўрт минут ўтгач Бурчалкин ўз командасини мағлубиятдан қутқарди.

Учрашув тугашига 6 минут қолганда Красницкий ва Санин («Зенит») қўполлик қилгани учун майдондан чиқариб юборилди.

21 сентябрда бўлган бошқа учрашув натижаларни қуйидагича: «Динамо» (Москва) — «Черноморец» — 1:0, «Динамо» (Минск) — «Қайрат» — 3:0, «Нефтянник» — «Шахтёр» — 1:3, «Арарат» — СКА — 2:0. Бу учрашувлардан сўнг турнир жадвалида командалар қуйидагича жойлашдилар:

Командалар	У	Т	О
«Динамо» М.	26	45—15	40
«Динамо» К.	25	37—9	37
«Динамо» Тб.	26	33—21	32
«Спартак»	25	31—21	30
«Шахтёр»	26	32—30	30
«Динамо» Мн.	25	34—23	28
«Нефтянник»	25	39—28	26
«Кр. Советов»	25	17—14	26
«Торпедо» М.	25	28—30	25
«Арарат»	25	24—26	24
ЦСКА	25	24—28	24
СКА	26	24—33	24
«Пахтакор»	26	25—31	22
«Торпедо» Кт.	26	25—36	21
«Заря»	24	16—22	20
«Қайрат»	26	20—39	20
«Локомотив»	25	20—27	19
«Черноморец»	26	17—31	19
«Зенит»	25	18—45	15

КУЧЛАР ЯНА ТЕНГ КЕЛДИ

«А» классининг иккинчи лигасида қатнашаётган Ўзбекистоннинг икки командаси — Фарғонанинг «Нефтян.ник» ва «Политотдел» колхози футболчилари кейинги турда ўзаро учрашдилар. Фарғонадаги бу ўйин биринчи даврада колхоз стадионида бўлган учрашув каби 1:1 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Кучлар яна тенг келди.

Бу турда турнир пешқадамлари—Қарағандининг «Шахтер» футболчилари Ленинободда муҳим икки очкони қўлга киритдилар. Улар «Помир» дарвозасига 3 тўп уриб, ўз дарвозаларидан иккита тўп ўтказдилар. Иккинчи ўринда бораётган Ашхободнинг «Строитель» командаси «Олга» майдонида бир очко олди (1:1). «Уралмаш» командаси уфалик «Строитель»ни 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди ва иккинчи ўринга чиқиб олди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.55—Эшиттиришлар программаси, 11.00—Волга соҳиллари халқлари қўшиқлари, 12.05—Бадний фильм.

Ўзбек тилида: 13.25—Фан оламида, 13.45—Ёш гвардия (бадний фильм, 1-серия), 16.55— Эшиттиришлар программаси, 17.00—Телеигиликлар (рус тилида), 17.15—Дўстлик клуби (болалар учун), 17.45—Вақтлар, афсоналар, олимлар (илмий-оммабоп фильм). 18.05—Она шаҳрим—Тошкентим («Ёшлик» студияси). 18.50—Концерт (Тожикистон санъат усталари ижросида), 19.40—Телеяигиликлар, 19.55 — Эшиттиришлар программаси.

20.00 дан—МОСКВА КУРСАТАДИ.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан—МОСКВА КУРСАТАДИ.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00—Социалистин Ўзбекистон санъати, 20.30—Машиналар инженерларнинг яқин дўсти (илмий-оммабоп фильм). 20.50 — Телеяигиликлар, 21.00 — Концерт, 21.30—Стадионда учрашамиз (бадний фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00—Фрунзе телестудиясининг эшиттиришлари.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—23/IX да Гули сиёҳ, 24/IX да Барн тош.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—23/IX да Мирзо Улуғбек, 24/IX да Парвона (кундуз), Қотил (кечқурун).

КИНО

Фантомас қутирмоқда—САНЪАТ САРОЙИ, НАВОИЙ номли, «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Фантомас қутирмоқда — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ (кундуз ва кечқурун).

ЭЗГИ БИНОДА

Оқ процесс—ТЕЛЬМАН номли.

Золтан Карпатининг тақдири—«ВАТАН».

Фантомас қутирмоқда — «ФЕСТИВАЛЬ».

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИГА

корхона, ташкилот ва билим юртларига билет тарқатувчи нассирлар

КЕРАК

Театрнинг кадрлар бўлимига учрашилсин.

Узторцветмет

РАНГЛИ МЕТАЛЛНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ДУРАЛЮМИННИ ИККИНЧИ МАРТА ЭРИТИШ ТОШКЕНТ ЦЕХИГА

токарлар, слесарлар, электрчилар, қуювчилар, шихтачилар, ажратувчи-юичилар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Куйбишев шоссеси, 23/33-уй (3, 7, 12, 26-автобусларнинг «Қоғоз комбинати» тўхташ жойи).

«ЭЛЕКТРОСИБМОНТАЖ» ТРЕСТИГА

Урта Осиё ва Сибирь электростанцияларн ҳамда подстанцияларида ишлаш учун 3, 4, 5, 6 разрядли электр монтёрлари ва электр слесарлари

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ишбай асосида тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, ТашГРЭС (2-автобуснинг охирги тўхташ жойи).

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИГА

Катта бухгалтерлар, бухгалтерлар ва нассир

КЕРАК

Тошкент шаҳар, К. Маркс кўчаси, 32-уй, бош бухгалтерга учрашилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 05651. Индекс — 64697. А. 1752.